



DISTINCTIVE FEATURES OF CRIME PREVENTION ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES DURING PUBLIC EVENTS

Astanov Rustam Uraz ugli

Independent applicant for the Center for Scientific and Applied
Research on Public Security Issues of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan

E-mail: rustamastanov086@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427997>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 27th May 2026

Online: 28th May 2026

KEYWORDS

*Maintaining public order,
ensuring public security,
rights and freedom, Legal
provision of public
security activities, public
events, personnel,
management, power and
tools.*

ABSTRACT

This article is devoted to the issues of maintaining public order and public safety in our country, as well as the activities of public events. Management of personal content, effective use of forces and tools during public events.

From this point of view, special emphasis is placed on the importance of rules of conduct and norms based on ensuring public order and decent behavior. Relations in this area in the Republic of Uzbekistan are regulated by laws and by-laws, as well as moral norms, customs and traditions, and provide for liability for any violations of the law aimed at encroaching on relations in the field of ensuring public order. In particular, the Codes of the Republic of Uzbekistan on Criminal and Administrative Responsibility establish liability for acts against public order.

ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ВО ВРЕМЯ МАССОВЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

Астанов Рустам Ураз угли

Самостоятельный соискатель Центра научно-прикладных исследований
вопросов общественной безопасности МВД Республики Узбекистан

E-mail: rustamastanov086@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427997>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 27th May 2026

Online: 28th May 2026

KEYWORDS

*Поддержание
общественного
порядка, обеспечение
общественной
безопасности, права и
свободы, правовое
обеспечение*

ABSTRACT

Данная статья посвящена вопросам поддержания общественного порядка и общественной безопасности в нашей стране, а также организации общественных мероприятий. Рассматриваются вопросы управления личным содержанием, эффективного использования сил и средств при проведении общественных мероприятий.

С этой точки зрения особое внимание уделяется важности правил поведения и норм, направленных на обеспечение общественного порядка и достойного



деятельности в сфере общественной безопасности, массовые мероприятия, личный состав, управление, полномочия и инструменты.

поведения. Отношения в этой сфере в Республике Узбекистан регулируются законами и подзаконными актами, а также моральными нормами, обычаями и традициями, и предусматривают ответственность за любые нарушения закона, направленные на посягательство на отношения в сфере обеспечения общественного порядка. В частности, Кодексы Республики Узбекистан об уголовной и административной ответственности устанавливают ответственность за действия, противоречащие общественному порядку.

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Астанов Рустам Ураз ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Криминология институти мустақил изланувчиси

E-mail: rustamastanov086@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427997>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 27th May 2026

Online: 28th May 2026

KEYWORDS

Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинлик, Жамоат хавфсизлиги фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, Оммавий тадбирлар, шахсий таркиб, бошқариш, куч ва воситалар.

ABSTRACT

Ушбу мақола мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда оммавий тадбирлар фаолияти масалаларига бағишланган. Оммавий тадбирлар вақтида шахсий таркибни бошқариш, куч ва воситалардан унумли фойдаланиш.

Шу нуқтаи назардан, жамоат тартибини таъминлашда юриш-туриш қоидалари ва жамоат осойишталигини таъминлаш ҳамда муносиб ҳуқ-атворда бўлишга асосланган нормалар муҳим аҳамиятга эгаллигига алоҳида урғу берилган. Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва анъаналар билан тартибга солинади ҳамда жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида жамоат тартибига қарши қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишни эълон қилди. Демократик ҳуқуқий давлатни қуриш, қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни амалга ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар прокуратура, адлия, ички ишлар ва бошқа шу каби органлар фаолияти етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат зиммасига энг асосий вазифалардан бири – инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди. Ушбу мажбуриятни бажаришда ички ишлар органлари салмоқли ўрин эгаллайдилар. Ички ишлар органларининг шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга оид фаолияти самарадорлигини белгилайдиган кўпгина омиллар қаторида, уларга юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширишда меҳнатни бошқариш ва ташкил этиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар органлари етакчи ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг органлари – давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўлиб, у фуқаролар, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини турли ғайриқонуний тайзиқларидан ҳимоя қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат органлари тизимидаги ўрни шу билан белгиланадики, улар давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажариш учун яратилган. Давлатнинг ҳуқуқ-тартиботини қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши кураш функциясини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга оширадilar. Бу функция ўз моҳияти ва мазмуни билан адолат ўрнатилиши инсонпарварликка, қонунчиликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқий давлат ва маданиятнинг шаклланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, хусусан жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида замон талабларига жавоб берадиган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир



этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди”¹.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган давр мобайнида республикаимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-

тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди.

Маълумки, жамиятда жамоат тартибини таъминлашда юриш-туриш қоидалари ва жамоат осойишталигини таъминлаш ҳамда муносиб хулқ-атворда бўлишга асосланган нормалар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва анъаналар билан тартибга солинади ҳамда жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят² ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида³ жамоат тартибига қарши қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Қайд этиш жоизки, жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф қилмишлардан бири бу безорилик жинояти ҳисобланади. Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, безорилик жиноятининг содир этилиши сабаблари ва вужудга келиши билан боғлиқ шарт-

¹ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маро-симдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.



шароитларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ушбу жинойтнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ички ишлар органлари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш ушбу органнинг ишларини яхшилашнинг, пировардида, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг зарур омилidir. Ҳозирги шароитда ички ишлар органлари раҳбарлари, мутахассисларининг самарали фаолият юритишлари учун бошқарувни ва ушбу идоралар ходимлари меҳнатини ташкил этишнинг илмий асосларини билиш ғоят муҳимдир.

Маълумки, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг асосий функцияларидан бири сифатида умумэтироф этилган. Мазкур функцияни амалга ошириш мақсадида турли ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Жумладан, республикамизда ҳар йили минглаб сиёсий, маданий ва спорт оммавий тадбирларини ўтказилиши юртимиздаги осойишталик ва тинчлик ҳукмронлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда республикамиздаги амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан “оммавий тадбир” тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурларини, шунингдек камида 100 киши иштирокида умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиқ ва ёпиқ иншоотларда, майдонларда, биноларда ва бошқа жойларда ташкил этиладиган кишиларни тўплаш оммавий тадбир деб эътироф этилади”⁴.

Жамиятда жамоат тартибини таъминлашда юриш-туриш қоидалари ва жамоат осойишталигини таъминлаш ҳамда муносиб хулқ-атворда бўлишга асосланган нормалар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва анъаналар билан тартибга солинади ҳамда жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутати. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жинойт⁵ ва Маъмурий жавобгарлик

4

<https://lex.uz/docs/2438871ONDATE=09.01.2021>

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.



тўғрисидаги кодексларида⁶ жамоат тартибига қарши қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, “жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳиятини таҳлил қилишда улар бир-биридан фарқ қилса-да, уларни таъминлаш ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи ҳамда бирини иккинчисидан ажратиш жуда ҳам мураккаб бўлган жараён эканлигини намоён қилади. Жамоат тартибини сақлаш бу бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тушунчаларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Лекин “фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчалари “жамоат тартиби” тушунчаси билан боғлиқ бўлса-да, ўзаро бир-биридан фарқ қилади.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда оммавий тадбирларда жамоат тартибини таъминлашда оммавий тадбирнинг таърифини оммавий тадбирлар деганда - очиқ ва ёпиқ объектлар ҳамда иншоотларда бир ва ундан ортиқ кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари, шунингдек умумхалқ диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирларни қамраб оладиган жараён тушунилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда *жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ўз ичига ҳуқуқ-*

тартиботни, жамоат тартибини, шунингдек ёнғин хавфсизлигини, йўл ҳаракати хавфсизлигини қамраб олади, деган хулосага келиш мумкин.

Бизнингча, жамоат хавфсизлиги бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, ижтимоий низолар, табиий офатлар, зилзилалар, эпидемиялар, эпизоотиялар, катта фалокатлар, авариялар ва ёнғинлар натижасида келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир. Шу сабабли уни турли жиҳатдан, шу жумладан, бошқариш объекти ва таъсир усуллари таърифи нуқтаи назаридан кўриб чиқиш жуда муҳимдир.

Бугунги кунда давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, айниқса мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги билан боғлиқ вазифалар ниҳоятда жиддий ёндашувни талаб этиб, бунда ички ишлар органларининг ҳаракатларини тизимли, аниқ ва қонунни бўлиши ва улар мунтазам такомиллаштирилиб борилиши ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир.

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига хавф оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш, уларни ўтказиш жойини тайёрланмаганлиги, катта гуруҳдаги одамларнинг ҳаракатини тартибга солиш бўйича чораларни ўз вақтида

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.



кўрилмаганлиги сабабли содир бўлади. Жумладан, спорт иншоотларининг талаб даражасида жиҳозланмаганлиги оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида ва ҳуқуқий фан доирасида мазкур тушунчалардан кенг фойдаланишига қарамай, юридик адабиётларда ҳамон уларни таърифлашга ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган⁷. Бундай ёндашув “оммавий тадбир”, “жамоат тартиби”, “жамоат хавфсизлиги” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва уларнинг назарий таърифларини шакллантиришни тақозо қилади.

Республикаимизда ҳар йили 20 мингга яқин оммавий, сиёсий, маданий, миллий, касбий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда ўз навбатида умумий ҳисобда 90 миллиондан зиёд иштирокчилар қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик XV бобига Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун билан 200-моддаси (Оммавий

тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш) киритилди.

Мазкур моддадаги маъмурий ҳуқуқий норма асосан оммавий тадбир ташкилотчиларига нисбатан оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁸ги қоидалари талабларини бажарилмаган тақдирда қўлланилади.

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- оммавий тадбирлар одамлар (омма)нинг (фаол ёки томошабин сифатидаги) иштирокини тақозо этади;
- асосан белгиланган мақсадларга эга уюшган оммавий ҳаракатлар бўлиб, муайян субъектлар ташаббуси билан амалга оширилади;
- иштирокчиларининг сони ноаниқ бўлади;
- жамоат жойларда ўтказилади;
- белгиланган тартибда рухсат олиниши зарур.

Ички ишлар **органларининг** амалий фаолиятида асосан оммавий

⁷ Қаранг: Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик. – Т., 2014. – 425 б.; Исмаилов И., Мухамадалиев Д.С. ва бошқ. Ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини бошқариш: Маърузалар курси – Т., 2013. – Б. 322.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – 398-м.



тадбирлар ўтказиш даврида жамоат тартиби ва хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар кўп учрайди. Ушбу ҳуқуқбузарликлар майда безорилик (183-модда) ҳуқуқбузарликлардан ҳам ижтимоий хавфли ҳисобланади. Чунки оммавий тадбир даврида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати оммавий тартибсизликларни содир этилишига ёки кўплаб фуқароларни жароҳатланишига сабаб булиши мумкин. Ҳозирги кунда амалиётда ушбу характердаги ҳуқуқбузарликлар ички ишлар органлари томонидан майда безорилик ҳуқуқбузарлиги сифатида квалификация қилинади.

Ҳуқуқшунос олим Х.Р.Алимовнинг фикрича жамоат тартиби маънавий, ҳуқуқий нормалар билан ҳамда ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир⁹. Жамоат тартиби давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан муҳофаза этилади. Бу ишда асосий вазифани ички ишлар органлари бажаради.

Маъмурий қонунчиликдаги оммавий тадбирларни ўтказишда юзага келаётган яна бир муаммоли ҳолатлардан бири бу амалдаги Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 202-моддасида рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намоишлар ўтказиш учун шароитлар яратган, уларни ташкилотчи, қатнашчиларига бино ёки бошқа мулк (алоқа воситалари,

кўпайтирадиган ва бошқа хил техник ускуналар, транспорт)ни бериш ёки шундай тадбирларни ўтказиш учун бошқа шароитларни яратишга – фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар оммавий тадбирларни ўтказиш ташкилотчилари бўлиши мумкин. Оммавий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган бундай мақсадлар учун махсус мўлжалланган жойларда, тегишли рухсатнома олингандан кейин ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома олиш талаб этилмайди.

Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш масалаларини кўриб чиқиш ва улар устидан назоратни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар

⁹ Алимов Х.Р., Махмудов А.Л., Исмоилов Н.Т., Маъмурий ҳуқуқ. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – Б. 91-117.



ҳокимликлари ҳузурида оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилувчи комиссиялар ташкил этилади. Комиссиялар таркибига Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Фавкулотда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари ва бошқа манфаатдор муассасалар, ташкилотлар вакиллари қиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида, айниқса унинг муҳим қисми ҳисобланган ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг кўламли ва тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги Қарори билан мамлакатимизнинг пойтахтида бошланган мазкур ислоҳотлар Тошкент шаҳрида жиноятчилик даражасининг ссзиларли даражада пасайишини, криминоген вазиятнинг соғломлашишини таъминлаганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид фармонлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Ҳукумат қарорларига

мувофиқ бутун республика миқёсида давом эттирилди¹⁰.

Ўтган йиллар давомида ички ишлар органлари фаолияти, шу жумладан унинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга доир йўналишини такомиллаштириш юзасидан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар натижасида, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча соҳавий хизматлари ва уларнинг жойлардаги қуйи тузилмаларининг фаолияти замон талаблари асосида такомиллаштирилди, уларнинг ташкилий тузилиши ва асосий вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ички ишлар органларининг, хусусан унинг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолияти такомиллаштирилиб, уларда хизмат қилувчи ходимларнинг масъулияти оширилди. Ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари қатори бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати тизими такомиллаштирилди.

Ички ишлар органлари тизимидаги асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқларин, эркинликларини ва конуний манфаатларини ишончли ҳимоя

қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2017 йил. 243-м.



таъминлашдан иборат бўлган сохавий хизматлар, таркибий тузилмалар ва саф бўлинмаларининг моддий-техникавий базаси такомиллаштирилди, улар замонавий автотранспорт, компьютер ва алоқа воситалари, хизмат қуроллари билан таъминланди, ва ниҳоят, ички ишлар органларининг фаолияти, хусусан унинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамланиб бормоқда¹¹.

Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлиги, ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умумахлоқий қадриятларини ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими сифатида ҳуқуқ субъектлари томонидан амал қилиши лозим бўлган кўплаб императив

характердаги нормалар билан тартибга солинади. Ушбу императив характердаги нормалар тизимда маъмурий-ҳуқуқий нормалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, жамоат тартибига оид мажбурий тартиб-қоидаларни белгилайди, иккинчидан, тегишли ижроия ҳокимият субъектларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича функциялари, ваколатлари ва ҳуқуқларида намоён бўлади, учинчидан, жамоат тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилайди.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммолар таҳлили, ҳозирги кунга келиб, “Ўзбекистон Республикасининг оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш ва бошққа оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор қонунларга ўзгартиришлар киритилиши лозим эканлигини тасдиқлайди.

Используемая литература:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.
2. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.
3. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.
4. [ҳттпс://lex.uz/досс/2438871ОНДАТЕ=09.01.2021](http://lex.uz/досс/2438871ОНДАТЕ=09.01.2021)

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-

сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 247-м.



5. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.
6. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.
7. Қаранг: Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик. – Т., 2014. – 425 б.; Исмаилов И., Мухамадалиев Д.С. ва бошқ. Ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини бошқариш: Маърузалар курси – Т., 2013. – Б. 322.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – 398-м.
9. Алимов Х.Р., Махмудов А.Л., Исмоилов Ҳ.Т., Маъмурий ҳуқуқ. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – Б. 91-117.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқларини, эркинликларини ва конуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2017 йил. 243-м.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 247-м.
12. Хатамов Р.А. Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар, уларнинг натижа ва истиқболлари // ҲУҚУҚИЙ ОЛАМ илмий-амалий журнал. – Но 1. – Сентабр. – 2022-йил. Б. 11-12 (Хатамов Р.А. Реформасин тҳе спҳере оф публис сафетй оф тҳе органс оф интернал аффаирс, тҳеир резултс анд проспестс // ЛЕГАЛ ВОРЛД ссиентифис анд прастисал жоурнал. - Но. 1. - Септембер. - 2022 еар. П. 11-12).
13. Съедин С.И. Основы управления. – М., 1995. – С. 29 (Съедин С.И. Фундаменталс оф манагемент. - М., 1995. – П. 29).
14. Таджиханов У., Ахмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари. – Т., 2001. – Б. 40 (Таджиханов У., Ахмедова С. Басисс оф организинг манагемент ин интернал аффаирс бодиес. - Т., 2001. – П. 40).